

## БЕШИНЧИ БЎЛИМ

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРИНИНГ БУЙРУҒИ

**121** Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларига солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг ҳисобланиши ва тушумлари тўғрисидаги ҳисоботлар, тушумлар бўйича солиштириш далолатномаларни тузиш ҳамда тақдим қилиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2015 йил  
11 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2660*

Ўзбекистон Республикасининг Бюджет кодексига мувофиқ, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетлари ижроси тўғрисидаги ҳисоботларни тўғри тузилишини таъминлаш мақсадида **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларига солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг ҳисобланиши ва тушумлари тўғрисидаги ҳисоботлар, тушумлар бўйича солиштириш далолатномаларни тузиш ҳамда тақдим қилиш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Вазир**

**Р. АЗИМОВ**

Тошкент ш.,  
2015 йил 9 февраль,  
8-сон

Ўзбекистон Республикаси  
молия вазирининг 2015 йил 9 февралдаги  
8-сонли буйруғига  
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларига солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг ҳисобланиши ва тушумлари тўғрисидаги ҳисоботлар, тушумлар бўйича солиштириш далолатномаларни тузиш ҳамда тақдим қилиш тартиби тўғрисидаги  
НИЗОМ**

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг Бюджет кодексига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига (бундан буён матнда Давлат бюджети деб юритилади) ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларига солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг ҳисобланиши ва тушумлари тўғрисидаги ҳисоботлар, тушумлар бўйича солиштириш далолатномаларни тузиш ҳамда тақдим қилиш тартибини белгилайди.

**1-боб. Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларига солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг ҳисобланиши ва тушумлари тўғрисидаги ҳисоботларни тузиш ҳамда тақдим қилиш**

1. Туман (шаҳар) давлат солиқ инспекциялари томонидан ҳисобот даври учун уларда мавжуд маълумотлар ҳамда мазкур Низомнинг 2-бобида белгиланган тартибда тузилган ва келишилган солиштириш далолатномалари асосида:

Давлат бюджетига ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларига солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг ҳисобланиши тўғрисидаги мазкур Низомнинг 1 — 4-иловаларига мувофиқ шаклдаги ҳисоботлар тайёрланиб, ҳар чорақда чораклик ҳисоботларни топширишнинг охириги муддатидан кейинги ойнинг ўнинчи иш кунига (йил якуни бўйича йиллик ҳисоботларни топширишнинг охириги муддатидан кейинги ойнинг ўнинчи иш кунига) қадар қоғоз шаклда;

Давлат бюджетига ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларига солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг тушумлари тўғрисидаги мазкур Низомнинг 5 — 8-иловаларига мувофиқ шаклдаги ҳисоботлар тайёрланиб, ҳар ойда ҳисобот ойдан кейинги ойнинг ўнинчи иш кунига қадар тегишли туман (шаҳар) ҳокимликларининг молия бўлимларига электрон шаклда (ҳар чорақда ҳисобот чорагидан кейинги ойнинг ўнинчи иш кунига қадар қоғоз шаклда) тақдим этилади.

Туман (шаҳар) давлат солиқ инспекциялари томонидан мазкур Низомнинг 2 ва 6-иловаларига мувофиқ шаклда тайёрланган ҳисоботларнинг элек-

трон шакли туман (шаҳар) ҳокимликларининг молия бўлимларига тақдим этиш белгиланган муддатларда, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг (бундан буён матнда Пенсия жамғармаси деб юритилади) тегишли туман (шаҳар) бўлималарига тақдим қилинади.

2. Давлат солиқ бошқармаси ҳисобот даври учун уларда мавжуд маълумотлар ҳамда мазкур Низомнинг 2-бобида белгиланган тартибда тузилган ва келишилган солиштириш далолатномалари асосида:

Давлат бюджетига ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларига солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг ҳисобланиши тўғрисидаги мазкур Низомнинг 1 — 4-иловаларига мувофиқ шаклдаги ҳисоботлар тайёрланиб, ҳар чоракда чораклик ҳисоботларни топширишнинг охириги муддатидан кейинги ойнинг ўнинчи иш кунига (йил якуни бўйича йиллик ҳисоботларни топширишнинг охириги муддатидан кейинги ойнинг ўнинчи иш кунига) қадар қоғоз шаклда;

Давлат бюджетига ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларига солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг тушуми тўғрисидаги мазкур Низомнинг 5 — 8-иловаларига мувофиқ шаклдаги ҳисоботлар тайёрланиб, ҳар ойда ҳисобот ойдан кейинги ойнинг ўн бешинчи иш кунига қадар Қорақалпоғистон Республикасининг Молия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг молия бошқармаларига электрон шаклда (ҳар чоракда ҳисобот чорагидан кейинги ойнинг ўн бешинчи иш кунига қадар қоғоз шаклда) тақдим этилади.

Давлат солиқ бошқармалари томонидан мазкур Низомнинг 2 ва 6-иловаларига мувофиқ шаклда тайёрланган ҳисоботларнинг электрон шакли ва нусхалари Қорақалпоғистон Республикасининг Молия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг молия бошқармаларига тақдим этиш белгиланган муддатларда Пенсия жамғармасининг тегишли бошқармаларига тақдим қилинади.

3. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг ҳудудий бошқармалари ва уларга тенглаштирилган таркибий тузилмалари томонидан ҳисобот даври учун уларда мавжуд маълумотлар ҳамда мазкур Низомнинг 2-бобида белгиланган тартибда тузилган ва келишилган солиштириш далолатномалари асосида:

Давлат бюджетига бошқа мажбурий тўловларнинг ҳисобланиши тўғрисидаги мазкур Низомнинг 9-иловасига мувофиқ шаклдаги ҳисобот тайёрланиб, ҳар чоракда ҳисобот чорагидан кейинги ойнинг ўн бешинчи иш кунига қадар;

Давлат бюджетига бошқа мажбурий тўловларнинг тушумлари тўғрисидаги мазкур Низомнинг 10-иловасига мувофиқ шаклдаги ҳисобот тайёрланиб, ҳар ойда ҳисобот ойдан кейинги ойнинг ўн бешинчи иш кунига қадар Қорақалпоғистон Республикасининг Молия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг молия бошқармаларига тақдим этилади.

4. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси томонидан, давлат солиқ хизмати органларида мавжуд маълумотлар, уларнинг ҳисоботлари

хамда мазкур Низомнинг 2-бобида белгиланган тартибда тузилган ва келишилган солиштириш далолатномалари асосида:

Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалар бюджетига солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг ҳисобланиши тўғрисидаги мазкур Низомнинг 1 — 4-иловаларига мувофиқ шаклдаги ҳисоботлар тайёрланиб, ҳар чорақда чорақлик ҳисоботларни топширишнинг охириги муддатидан кейинги ойнинг ўнинчи иш кунига (йил якуни бўйича йиллик ҳисоботларни топширишнинг охириги муддатидан кейинги ойнинг ўнинчи иш кунига) қадар қоғоз шаклда;

Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалар бюджетига солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг тушумлари тўғрисидаги мазкур Низомнинг 5 — 8-иловаларига мувофиқ шаклдаги ҳисоботлар тайёрланиб, ҳар ойда ҳисобот ойдан кейинги ойнинг ўн еттинчи иш кунига қадар (оператив ҳисоботлардан ташқари), мос равишда, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига, Пенсия жамғармаси, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Республика йўл жамғармаси (бундан буён матнда Республика йўл жамғармаси деб юритилади) ва Умумтаълим мактаблари, касб-ҳунар коллежлари, академик лицейлар ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармасига электрон шаклда (ҳар чорақда ҳисобот чорагидан кейинги ойнинг ўн еттинчи иш кунига қадар қоғоз шаклда) тақдим этилади.

5. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси томонидан давлат божхона органларида мавжуд маълумотлар, уларнинг ҳисоботлари хамда мазкур Низомнинг 2-бобида белгиланган тартибда тузилган ва келишилган солиштириш далолатномалари асосида:

Давлат бюджетига бошқа мажбурий тўловларнинг ҳисобланиши тўғрисидаги мазкур Низомнинг 9-иловасига мувофиқ шаклдаги ҳисобот тайёрланиб, ҳар чорақда ҳисобот чорагидан кейинги ойнинг ўн еттинчи иш кунига қадар;

Давлат бюджетига бошқа мажбурий тўловларнинг тушумлари тўғрисидаги мазкур Низомнинг 10-иловасига мувофиқ шаклдаги ҳисобот тайёрланиб, ҳар ойда ҳисобот ойдан кейинги ойнинг ўн еттинчи иш кунига қадар (оператив ҳисоботлардан ташқари), Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига тақдим этилади.

6. Мазкур Низомнинг 11 — 17-иловаларига мувофиқ электрон шаклда тузилган Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг ҳисобот даврида тушган даромадлари бўйича маълумот Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан электрон шаклда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига кўнлик тақдим этиб борилади.

7. Мазкур Низомнинг 2-бобида белгиланган тартибда тузилган ва келишилган солиштириш далолатномалари, шунингдек Марказий банкнинг ҳудудий Бош бошқармалари томонидан тақдим этилган маълумотлар асосида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг ҳисобот даврида тушган даромадлари

бўйича йиллик ҳисоботни мазкур Низомнинг 18 — 21-иловаларига мувофиқ шаклда ҳисобот йилидан кейинги йилнинг 15 мартига қадар Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига, Пенсия жамғармасига, Республика йўл жамғармасига ва Умумтаълим мактаблари, касб-хунар коллежлари, академик лицейлар ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармасига тақдим этади.

## **2-боб. Солиштириш далолатномаларини тузиш ва тақдим қилиш**

8. Туман (шаҳар) давлат солиқ инспекциялари томонидан ҳисобот ойдан кейинги ойнинг учинчи иш кунига қадар:

Давлат бюджетига 23402 — «Республика бюджетининг маблағлари» баланс ҳисобварағи орқали тушган тушумлар бўйича мазкур Низомнинг 22-иловасига мувофиқ;

Пенсия жамғармасига тушумлар бўйича мазкур Низомнинг 23-иловасига мувофиқ;

Республика йўл жамғармасига тушумлар бўйича мазкур Низомнинг 24-иловасига мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Умумтаълим мактаблари, касб-хунар коллежлари, академик лицейлар ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармасига тушумлар бўйича мазкур Низомнинг 25-иловасига мувофиқ шаклда солиштириш далолатномалари тузилади.

Солиштириш далолатномалари хизмат кўрсатувчи банк кўчирмаларида кўрсатилган маълумотлар асосида тайёрланиб, тегишли давлат солиқ инспекцияси раҳбари томонидан имзолангандан кейин келишиш учун хизмат кўрсатувчи банкка (жумладан, электрон шаклда) тақдим этилади.

9. Хизмат кўрсатувчи банклар туман (шаҳар) давлат солиқ инспекциялари томонидан тақдим этилган солиштириш далолатномаларини ҳисобот ойдан кейинги ойнинг тўртинчи иш кунигача кўриб чиқади.

Солиштириш далолатномаларида кўрсатилган маълумотлар ўртасида фарқлар мавжуд бўлмаган тақдирда, солиштириш далолатномалари тегишли банк раҳбари томонидан имзоланади ва келишиш учун тегишли туман (шаҳар) бўйича Ҳазначилик бўлинмаларига (жумладан, электрон шаклда) тақдим этилади.

Солиштириш далолатномаларида кўрсатилган маълумотлар ўртасида фарқлар мавжуд бўлган тақдирда, ушбу маълумотларга банк томонидан аниқлик киритилади.

10. Туман (шаҳар) бўйича Ҳазначилик бўлинмалари хизмат кўрсатувчи банклар томонидан тақдим этилган солиштириш далолатномаларини ҳисобот ойдан кейинги ойнинг бешинчи иш кунигача кўриб чиқади.

Солиштириш далолатномаларида кўрсатилган маълумотлар билан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг ахборот тизимидаги маълумотлар ўртасида фарқлар мавжуд бўлмаган тақдирда, солиштириш далолатно-

малари тегишли туман (шаҳар) бўйича Ҳазначилик бўлинмалари раҳбарлари томонидан имзоланади.

Бунда:

мазкур Низомнинг 22, 24 ва 25-иловаларига мувофиқ шаклдаги солиштириш далолатномалари келишиш учун тегишли туман (шаҳар) ҳокимликларининг молия бўлимларига, мазкур Низомнинг 23-иловасига мувофиқ шаклдаги солиштириш далолатномасини эса, Пенсия жамғармасининг тегишли туман (шаҳар) бўлинмасига келишиш учун тақдим этилади.

Солиштириш далолатномаларида кўрсатилган маълумотлар ўртасида фарқлар мавжуд бўлган тақдирда, ушбу маълумотларга туман (шаҳар) бўйича Ҳазначилик бўлинмалари томонидан аниқлик киритилади.

11. Туман (шаҳар) ҳокимликларининг молия бўлимлари ҳамда Пенсия жамғармасининг туман (шаҳар) бўлинмалари Ҳазначилик бўлинмалари томонидан тақдим этилган солиштириш далолатномаларини ҳисобот ойдан кейинги ойнинг олтинчи иш кунигача кўриб чиқади.

Солиштириш далолатномаларида кўрсатилган маълумотлар ўртасида фарқлар мавжуд бўлмаган тақдирда, солиштириш далолатномалари тегишли туман (шаҳар) ҳокимликларининг молия бўлимлари ёки Пенсия жамғармасининг бўлинмалари раҳбарлари томонидан имзоланади.

Туман (шаҳар) ҳокимликларининг молия бўлимлари ҳамда Пенсия жамғармасининг бўлинмалари имзоланган солиштириш далолатномалари нусхаларини тегишли давлат солиқ инспекцияси, хизмат кўрсатувчи банк ва Ҳазначилик бўлинмасига кейинги иш кунидан кечиктирмасдан юборади.

12. Имзоланган солиштириш далолатномаларининг бир нусхаси ҳисобот ойдан кейинги ойнинг еттинчи иш кунига қадар:

туман (шаҳар) давлат солиқ инспекциялари томонидан тегишли давлат солиқ бошқармасига;

туман (шаҳар) давлат солиқ инспекциясига хизмат кўрсатувчи банклар томонидан Марказий банкнинг тегишли Бош бошқармасига;

туман (шаҳар) Ҳазначилик бўлинмалари томонидан тегишлича Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри бўйича Ҳазначилик бошқармасига;

туман (шаҳар) ҳокимликларининг молия бўлимлари томонидан тегишлича Қорақалпоғистон Республикасининг Молия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг молия бошқармасига;

Пенсия жамғармасининг тегишли бошқармасига тақдим этилади.

13. Давлат солиқ бошқармалари тақдим этилган солиштириш далолатномалари асосида (Марказий банкнинг ҳудудий Бош бошқармаси Ҳисоб-китоб касса марказида очилган 23402 — «Республика бюджетининг маблағлари» баланс ҳисобварағи орқали тушадиган тушумларни ҳам ҳисобга олган ҳолда) ҳисобот ойдан кейинги ойнинг тўққизинчи иш кунигача:

Давлат бюджетининг 23402 — «Республика бюджетининг маблағлари»

баланс ҳисобварағи орқали тушадиган тушумлар бўйича мазкур Низомнинг 22-иловасига мувофиқ шаклда;

Пенсия жамғармаси даромадлари бўйича мазкур Низомнинг 23-иловасига мувофиқ шаклда;

Республика йўл жамғармаси даромадлари бўйича мазкур Низомнинг 24-иловасига мувофиқ шаклда;

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Умумтаълим мактаблари, касб-хунар коллежлари, академик лицейлар ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармаси даромадлари бўйича мазкур Низомнинг 25-иловасига мувофиқ шаклда солиштириш далолатномаларини тузади.

Солиштириш далолатномалари тегишли ҳудудий давлат солиқ бошқармаси раҳбари томонидан имзолангандан кейин келишиш учун Марказий банкнинг ҳудудий Бош бошқармасига (жумладан, электрон шаклда) тақдим этади.

14. 23403 — «Божхона тўловлари бўйича Республика бюджетининг даромадлари» баланс ҳисобварағининг тегишли Шартли ҳисобварақлари очилган хизмат кўрсатувчи банклар томонидан Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг тегишли ҳудудий бошқармалари ва уларга тенглаштирилган таркибий тузилмаларига ва Марказий банкнинг тегишли Бош бошқармасига 23403 — «Божхона тўловлари бўйича Республика бюджетининг даромадлари» баланс ҳисобварағининг тегишли Шартли ҳисобварақлари бўйича банк кўчирмалари ва иловалари электрон ва қоғоз шаклда кунлик тақдим этиб борилади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг ҳудудий бошқармалари ва уларга тенглаштирилган таркибий тузилмалари томонидан мазкур Низомнинг 26-иловасига мувофиқ шаклда солиштириш далолатномалари тузилади. Мазкур солиштириш далолатномалари Марказий банкнинг ҳудудий Бош бошқармаси Ҳисоб-китоб касса марказининг кўчирмалари ва бошқа хизмат кўрсатувчи банклар кўчирмаларида кўрсатилган маълумотлар асосида тайёрланиб, Давлат божхона қўмитасининг ҳудудий бошқармаси ва уларга тенглаштирилган таркибий тузилмаси раҳбари томонидан имзолангандан кейин келишиш учун Марказий банкнинг ҳудудий Бош бошқармасига ҳисобот ойдан кейинги ойднинг еттинчи иш кунигача (жумладан, электрон шаклда) тақдим этилади.

15. Марказий банкнинг ҳудудий Бош бошқармаси ҳудудий давлат солиқ бошқармаси ва давлат божхона бошқармаси ва унга тенглаштирилган таркибий тузилмаси томонидан тақдим этилган солиштириш далолатномаларини ҳисобот ойдан кейинги ойднинг ўнинчи иш кунигача қўриб чиқади.

Солиштириш далолатномаларида кўрсатилган маълумотлар билан банклар томонидан тақдим этилган маълумотлар ўртасида фарқлар мавжуд бўлмаган тақдирда, солиштириш далолатномалари Марказий банкнинг ҳудудий Бош бошқармаси раҳбари томонидан имзоланади ва келишиш учун Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри бўйича тегишли Фазначилик бошқармаларига (жумладан, электрон шаклда) тақдим этилади.

16. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри бўйича тегишли Фазначилик бошқармаси тақдим этилган солиштириш далолатномаларини ҳисобот ойдан кейинги ойнинг ўн биринчи иш кунигача кўриб чиқади. Солиштириш далолатномаларида кўрсатилган маълумотлар билан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг ахборот тизимидаги маълумотлар ўртасида фарқлар мавжуд бўлмаган тақдирда, солиштириш далолатномалари тегишли Фазначилик бошқармаси раҳбари томонидан имзоланади.

Бунда:

мазкур Низомнинг 22, 24, 25 ва 26-иловаларига мувофиқ шаклдаги солиштириш далолатномалари келишиш учун Қорақалпоғистон Республикасининг Молия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг молия бошқармаларига, мазкур Низомнинг 23-иловасига мувофиқ шаклдаги солиштириш далолатномасини эса, Пенсия жамғармасининг тегишли бошқармаларига тақдим этилади.

Солиштириш далолатномаларида кўрсатилган маълумотлар ўртасида фарқлар мавжуд бўлган тақдирда, ушбу маълумотларга тегишли Фазначилик бошқармаси томонидан аниқлик киритилади.

17. Қорақалпоғистон Республикасининг Молия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг молия бошқармалари ҳамда Пенсия жамғармасининг бошқармалари тақдим этилган солиштириш далолатномаларини ҳисобот ойдан кейинги ойнинг ўн иккинчи иш кунигача кўриб чиқади.

Солиштириш далолатномаларида кўрсатилган маълумотлар ўртасида фарқлар мавжуд бўлмаган тақдирда, солиштириш далолатномалари уларнинг раҳбарлари томонидан имзоланади.

Қорақалпоғистон Республикасининг Молия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг молия бошқармалари ва Пенсия жамғармасининг ҳудудий бошқармалари имзоланган солиштириш далолатномалари нусхаларини тегишли давлат солиқ, божхона бошқармаси ва унга тенглаштирилган таркибий тузилмаси, Марказий банкнинг ҳудудий Бош бошқармаси ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри бўйича Фазначилик бошқармаларига кейинги кунидан кечиктирмасдан тақдим қилади.

18. Имзоланган солиштириш далолатномалари ҳисобот ойдан кейинги ойнинг ўн учинчи иш кунигача:

давлат солиқ бошқармалари томонидан Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасига;

Марказий банкнинг ҳудудий Бош бошқармалари томонидан Ўзбекистон Республикаси Марказий банкига;

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри бўйича Фазначилик бошқармалари томонидан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Фазначилигига;

Пенсия жамғармасининг ҳудудий бошқармалари томонидан Пенсия жамғармасининг Ижро этувчи дирекциясига;



Давлат божхона қўмитасининг ҳудудий бошқармалари ва уларга тенглаштирилган таркибий тузилмаси томонидан Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасига тақдим этилади.

19. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси, Марказий банки, Молия вазирлиги Фазначилиги, Пенсия жамғармасининг Ижро этувчи дирекцияси ҳамда Давлат божхона қўмитаси қўйи турувчи органлар томонидан тақдим қилинган солиштириш далолатномаларни кўриб чиқади. Солиштириш далолатномаларида кўрсатилган маълумотлар ўртасида фарқлар мавжуд бўлмаган тақдирда, солиштириш далолатномалари Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси, Марказий банки, Молия вазирлиги Фазначилиги, Пенсия жамғармасининг Ижро этувчи дирекцияси ҳамда Давлат божхона қўмитаси раҳбарлари томонидан имзоланади.

Бунда:

мазкур Низомнинг 22 ва 26-иловаларига мувофиқ шаклдаги солиштириш далолатномалари Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Худудлар молияси бош бошқармасига;

мазкур Низомнинг 24-иловасига мувофиқ шаклдаги солиштириш далолатномаларини Республика йўл жамғармаси Ижро этувчи дирекциясига;

мазкур Низомнинг 25-иловасига мувофиқ шаклдаги солиштириш далолатномаларини Умумтаълим мактаблари, касб-хунар коллежлари, академик лицейлар ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармаси Ижро этувчи дирекциясига ҳисобот ойдан кейинги ойнинг ўн бешинчи иш кунига қадар тақдим этилади.

20. Солиштириш далолатномаларнинг белгиланган муддатларда тузилиши, тасдиқланиши ва юқори ташкилотларга тақдим қилиниши бўйича жавобгарлик Давлат солиқ бошқармалари, Қорақалпоғистон Республикасининг молия вазири, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг молия бошқармалари, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри бўйича Фазначилик бошқармалари, Пенсия жамғармасининг ҳудудий бошқармалари ва Марказий банкнинг ҳудудий Бош бошқармалари раҳбарлари зиммасига юклатилади.

### 3-боб. Яқуний қоидалар

21. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларига солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг тушуми тўғрисидаги ҳисоботларни тўғри тузилишини таъминлаш мақсадида, ҳисоботлардаги хатоликларни бартараф қилиш ва ҳисоботларга зарур ўзгартиришлар киритиш тўғрисида тегишли ҳудудий молия, солиқ, божхона, Фазначилик органлари ва банк муассасаларига ёзма шаклдаги кўрсатмалар бериши мумкин.

Бунда, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳисоботлардаги хатоликларни бартараф қилиш ва уларга зарур ўзгартиришлар киритиш тўғрисида берилган кўрсатмалар юзасидан тегишлиги бўйича Давлат солиқ қўмитаси, Давлат божхона қўмитаси ва Марказий банкни хабардор этиши зарур.

22. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси, Давлат божхона қўмитаси ва Марказий банки билан келишилган.

*Давлат солиқ  
қўмитаси раиси*

**Б. ПАРПИЕВ**

*2015 йил 30 январь*

*Давлат божхона  
қўмитаси раиси*

**З. ДУСАНОВ**

*2015 йил 2 февраль*

*Марказий банк раиси*

**Ф. МУЛЛАЖОНОВ**

*2015 йил 3 февраль*

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларига солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг ҳисобланиши ва тушумлари тўғрисидаги ҳисоботлар, тушумлар бўйича солиштириш далолатномаларни тузиш ҳамда тақдим қилиш тартиби тўғрисидаги низомга  
1-ИЛОВА

«\_\_\_» \_\_\_\_\_ 20\_\_ й. ҳолатига \_\_\_\_\_ (тумани, шаҳри, вилояти, Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри) бўйича  
Давлат бюджетига солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг ҳисобланиши тўғрисида  
**ҲИСОБОТ**

(минг сўмда)

Худудлар / вазирликлар / солиқ ва тўлов турлари	Ҳисобот даври бошига			Ҳисобланган*	«1-Н» ҳисоботи бўйича ҳақиқий тушумлар	«1-Н» ҳисоботи киритилмайдиган тушумлар	Ҳисобот даври охирига		
	жорий солиқ қарзи	тўлаш муддати узайтирилган солиқ қарзи	ортиқча тўланган (жорий тўловларни ҳисобга олган ҳолда)				жорий солиқ қарзи	тўлаш муддати узайтирилган солиқ қарзи	ортиқча тўланган (жорий тўловларни ҳисобга олган ҳолда)
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10
Республика (вилоят, Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри) бўйича жами <i>(солиқ ва тўлов турлари)</i>									
1. Худудлар кесимида									
Қорақалпоғистон Республикаси (туман, шаҳар № 1) бўйича <i>(солиқ ва тўлов турлари)</i>									
...									
2. Вазирлик ва идоралар (тегишли худуддаги корхоналари) кесимида									
Вазирлик (идора) № 1 <i>(солиқ ва тўлов турлари)</i>									
...									

\* Ҳисобланган гр. 5 = (гр. 6 + гр. 7) + (гр. 8 + гр. 9) – (гр. 2 + гр. 3) – (гр. 10 – гр. 4)

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларига солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг ҳисобланиши ва тушумлари тўғрисидаги ҳисоботлар, тушумлар бўйича солиштириш далолатномаларни тузиш ҳамда тақдим қилиш тартиби тўғрисидаги низомга  
2-ИЛОВА

«\_\_» \_\_\_\_\_ 20\_\_ й. ҳолатига \_\_\_\_\_ (тумани, шаҳри, вилояти, Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри) бўйича  
Пенсия жамғармасига солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг ҳисобланиши тўғрисида  
**ҲИСОБОТ**

(минг сўмда)

Худудлар / вазирликлар	Ҳисобот даври бошига			Ҳисобланган*	«1-Н (ПФ)» ҳисоботи бўйича ҳақиқий тушумлар	«1-Н (ПФ)» ҳисоботига киритилмайдиган тушумлар	Ҳисобот даври охирига		
	жорий солиқ қарзи	тўлаш муддати узайтирилган солиқ қарзи	ортиқча тўланган (жорий тўловларни ҳисобга олган ҳолда)				жорий солиқ қарзи	тўлаш муддати узайтирилган солиқ қарзи	ортиқча тўланган (жорий тўловларни ҳисобга олган ҳолда)
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10
Республика (вилоят, Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри) бўйича жами									
1. Худудлар кесимида									
Қорақалпоғистон Республикаси (туман, шаҳар № 1) бўйича									
...									
2. Вазирлик ва идоралар (тегишли худуддаги корхоналари) кесимида									
Вазирлик (идора) № 1									
...									

\* Ҳисобланган гр. 5 = (гр. 6 + гр. 7) + (гр. 8 + гр. 9) – (гр. 2 + гр. 3) – (гр. 10 – гр. 4)

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларига солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг ҳисобланиши ва тушумлари тўғрисидаги ҳисоботлар, тушумлар бўйича солиштириш далолатномаларни тузиш ҳамда тақдим қилиш тартиби тўғрисидаги низомга  
3-ИЛОВА

«\_\_» \_\_\_\_\_ 20\_\_ й. ҳолатига \_\_\_\_\_ (тумани, шаҳри, вилояти, Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри) бўйича  
Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Республика йўл жамғармасига солиқлар ва бошқа мажбурий  
тўловларнинг ҳисобланиши тўғрисида  
**ҲИСОБОТ**

(минг сўмда)

Худудлар / вазирликлар	Ҳисобот даври бошига			Ҳисобланган*	«1-Н (ДФ)» ҳисоботи бўйича ҳақиқий тушумлар	«1-Н (ДФ)» ҳисоботига киритилмайдиган тушумлар	Ҳисобот даври охирига		
	жорий солиқ қарзи	тўлаш муддати узайтирилган солиқ қарзи	ортиқча тўланган (жорий тўловларни ҳисобга олган ҳолда)				жорий солиқ қарзи	тўлаш муддати узайтирилган солиқ қарзи	ортиқча тўланган (жорий тўловларни ҳисобга олган ҳолда)
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10
Республика (вилоят, Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри) бўйича жами									
1. Худудлар кесимида									
Қорақалпоғистон Республикаси (туман, шаҳар № 1) бўйича									
...									
2. Вазирлик ва идоралар (тегишли худуддаги корхоналари) кесимида									
Вазирлик (идора) № 1									
...									

\* Ҳисобланган гр. 5 = (гр. 6 + гр. 7) + (гр. 8 + гр. 9) – (гр. 2 + гр. 3) – (гр. 10 – гр. 4)

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларига солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг ҳисобланиши ва тушумлари тўғрисидаги ҳисоботлар, тушумлар бўйича солиштириш далолатномаларни тузиш ҳамда тақдим қилиш тартиби тўғрисидаги низомга  
4-ИЛОВА

«\_\_» \_\_\_\_\_ 20\_\_ й. ҳолатига \_\_\_\_\_ (тумани, шаҳри, вилояти, Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри) бўйича Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Умумтаълим мактаблари, касб-ҳунар коллежлари, академик лицейлар ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, мукаммал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармасига солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг ҳисобланиши тўғрисида  
**ҲИСОБОТ**

(минг сўмда)

Худудлар / вазирликлар	Ҳисобот даври бошига			Ҳисобланган*	«1-Н (МЖ)» ҳисоботи бўйича ҳақиқий тушумлар	«1-Н (МЖ)» ҳисоботига киритилмайдиган тушумлар	Ҳисобот даври охирига		
	жорий солиқ қарзи	тўлаш муддати узайтирилган солиқ қарзи	ортиқча тўланган (жорий тўловларни ҳисобга олган ҳолда)				жорий солиқ қарзи	тўлаш муддати узайтирилган солиқ қарзи	ортиқча тўланган (жорий тўловларни ҳисобга олган ҳолда)
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10
Республика (вилоят, Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри) бўйича жами									
1. Худудлар кесимида									
Қорақалпоғистон Республикаси (туман, шаҳар № 1) бўйича									
...									
2. Вазирлик ва идоралар (тегишли худуддаги қорхоналари) кесимида									
Вазирлик (идора) № 1									
...									

\* Ҳисобланган гр. 5 = (гр. 6 + гр. 7) + (гр. 8 + гр. 9) – (гр. 2 + гр. 3) – (гр. 10 – гр. 4)

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларига солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг ҳисобланиши ва тушумлари тўғрисидаги ҳисоботлар, тушумлар бўйича солиштириш далолатномаларни тузиш ҳамда тақдим қилиш тартиби тўғрисидаги низомга  
5-ИЛОВА

« \_\_\_\_ » \_\_\_\_\_ 20 \_\_\_\_ й. ҳолатига \_\_\_\_\_ (тумани, шаҳри, вилояти, Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри) бўйича  
Давлат бюджетига солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг тушуми тўғрисида «1-Н» шаклидаги  
ҲИСОБОТ

(минг сўмда)

Бюджет таснифига кўра даромад тури коди	23402-сонли ҳисобварақнинг ШХҲри	Даромадлар номи	«1-Н» ҳисоботи коди	Йилнинг ҳисобот даври				Жорий чоракнинг ҳисобот даври						Ҳисобот ойи				
				йилнинг ҳисобот даври прогнози	йил бошидан ҳақиқий тушум	ҳисобот даври прогноз қолдиғи	ҳисобот даври прогнози бажариллиши, %	чорак учун прогноз	чоракнинг ҳисобот даври прогнози	чорак бошидан ҳақиқий тушум	ҳисобот даври прогнози қолдиғи		бажарилиши, %		ой учун прогноз	ой бошидан ҳақиқий тушум	ой учун режа қолдиғи	% режанинг бажариллиши, %
											чорак учун прогнозга нисбатан	ҳисобот давrigа нисбатан	чорак учун прогнозга нисбатан	ҳисобот давrigа нисбатан				
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15	16	17	18	19
		1-иловада келтирилган даромад турларининг «1-Н» ҳисоботига киритиладиган қисми бўйича қаторлар кесимида (ҳисоблаш алгоритми билан бирга)																

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларига солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг ҳисобланиши ва тушумлари тўғрисидаги ҳисоботлар, тушумлар бўйича солиштириш далолатномаларни тузиш ҳамда тақдим қилиш тартиби тўғрисидаги низомга  
6-ИЛОВА

121-Модда

« \_\_\_\_ » \_\_\_\_\_ 20 \_\_\_\_ й. ҳолатига \_\_\_\_\_ (тумани, шаҳри, вилояти, Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри) бўйича  
Пенсия жамғармасига солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг тушуми тўғрисида «1-Н (ПФ)» шаклидаги  
ҲИСОБОТ

(минг сўмда)

Бюджет таснифига кўра даромад тури коди	23402-сонли ҳисобварақнинг ШХҲри	Даромадлар номи	«1-Н» ҳисоботи коди	Йилнинг ҳисобот даври				Жорий чоракнинг ҳисобот даври						Ҳисобот ойи				
				йилнинг ҳисобот даври прогнози	йил бошидан ҳақиқий тушум	ҳисобот даври прогноз қолдиғи	ҳисобот даври прогнози бажарилиши, %	чорак учун прогноз	чоракнинг ҳисобот даври прогнози	чорак бошидан ҳақиқий тушум	ҳисобот даври прогнози қолдиғи		бажарилиши, %		ой учун прогноз	ой бошидан ҳақиқий тушум	ой учун режа қолдиғи	ой учун режанинг бажарилиши, %
											чорак учун прогнозга нисбатан	ҳисобот даврига нисбатан	чорак учун прогнозга нисбатан	ҳисобот даврига нисбатан				
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15	16	17	18	19
		2-иловада келтирилган даромад турларининг «1-Н (ПФ)» ҳисоботига киритиладиган қисми бўйича қаторлар кесимида (ҳисоблаш алгоритми билан бирга)																

— 50 —

10 (666)-сон



Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларига солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг ҳисобланиши ва тушумлари тўғрисидаги ҳисоботлар, тушумлар бўйича солиштириш далолатномаларни тузиш ҳамда тақдим қилиш тартиби тўғрисидаги низомга  
7-ИЛОВА

10 (666)-сон

« \_\_\_\_\_ » \_\_\_\_\_ 20 \_\_\_\_ й. ҳолатига \_\_\_\_\_ (тумани, шаҳри, вилояти, Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри) бўйича  
Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Республика йўл жамғармасига солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг тушуми тўғрисида «1-Н (ДФ)» шаклидаги  
**ҲИСОБОТ**

(минг сўмда)

Бюджет таснифига кўра даромад тури коди	23402-сонли ҳисобварақнинг ШХҲри	Даромадлар номи	«1-Н» ҳисоботи коди	Йилнинг ҳисобот даври				Жорий чоракнинг ҳисобот даври						Ҳисобот ойи				
				йилнинг ҳисобот даври прогнози	йил бошидан ҳақиқий тушум	ҳисобот даври прогноз қолдиги	ҳисобот даври прогнози бажарилиши, %	чорак учун прогноз чоракнинг ҳисобот даври прогнози	чорак бошидан ҳақиқий тушум	ҳисобот даври прогнози қолдиги		бажарилиши, %		ой учун прогноз	ой бошидан ҳақиқий тушум	ой учун режа қолдиги	ой учун режанинг бажарилиши, %	
										чорак учун прогнозга нисбатан	ҳисобот даврига нисбатан	чорак учун прогнозга нисбатан	ҳисобот даврига нисбатан					
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15	16	17	18	19
		3-иловада келтирилган даромад турлари кесимида (ҳисоблаш алгоритми билан бирга)																

— 51 —

121-модда

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларига солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг ҳисобланиши ва тушумлари тўғрисидаги ҳисоботлар, тушумлар бўйича солиштириш далолатномаларни тузиш ҳамда тақдим қилиш тартиби тўғрисидаги низомга  
8-ИЛОВА

121-Модда

« \_\_\_\_\_ » 20 \_\_\_\_\_ й. ҳолатига \_\_\_\_\_ (тумани, шаҳри, вилояти, Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри) бўйича Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Умумтаълим мактаблари, касб-ҳунар коллежлари, академик лицейлар ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, мукаммал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармасига солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг тушуми тўғрисида «1-Н (МЖ)» шаклидаги  
**ҲИСОБОТ**

(минг сўмда)

Бюджет таснифига кўра даромад тури коди	23402-сонли ҳисобварақнинг ШХҲри	Даромадлар номи	«1-Н» ҳисоботи коди	Йилнинг ҳисобот даври				Жорий чоракнинг ҳисобот даври						Ҳисобот оyi				
				Йилнинг ҳисобот даври прогнози	Йил бошидан ҳақиқий тушум	Ҳисобот даври прогноз қолдиғи	Ҳисобот даври прогнози бажарилиши, %	чорак учун прогноз чоракнинг ҳисобот даври прогнози	чорак бошидан ҳақиқий тушум	ҳисобот даври прогнози қолдиғи		бажарилиши, %		ой учун прогноз	ой бошидан ҳақиқий тушум	ой учун режа қолдиғи	% режанинг бажарилиши, %	
										чорак учун прогнозга нисбатан	ҳисобот даврига нисбатан	чорак учун прогнозга нисбатан	ҳисобот даврига нисбатан					
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15	16	17	18	19
		4-иловада келтирилган даромад турлари кесимида (ҳисоблаш алгоритми билан бирга)																

— 52 —

10 (666)-сон

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларига солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг ҳисобланиши ва тушумлари тўғрисидаги ҳисоботлар, тушумлар бўйича солиштириш даллатномаларни тузиш ҳамда тақдим қилиш тартиби тўғрисидаги низомга 9-ИЛОВА

« \_\_\_\_ » \_\_\_\_\_ 20 \_\_\_\_ й. ҳолатига \_\_\_\_\_ (вилояти, Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри) бўйича  
Давлат бюджетига бошқа мажбурий тўловларнинг ҳисобланиши тўғрисида  
ҲИСОБОТ

Вазирлик ва идоралар	Статистик қиймати	Божхона қиймати	Жами ҳисобланган тўловлар	Шундан:																		
				шу жумладан:							шу жумладан:				шу жумладан:							
				ундиришга ҳисобланди	импорт божхона божлари	республикага олиб кирилаган товарлар учун акциз солиғи	Ўзбекистон Республикаси Худудига олиб кирилувчи товарларга қўшилган қиймат солиғи	бошқа тўловлар	кечиктириб ёки бўлиб-бўлиб тўлаш имконияти берилган	импорт божхона божлари	республикага олиб кирилаган товарлар учун акциз солиғи	Ўзбекистон Республикаси Худудига олиб кирилувчи товарларга қўшилган қиймат солиғи	бошқа тўловлар	имтиёзлар*	импорт божхона божлари	республикага олиб кирилаган товарлар учун акциз солиғи	Ўзбекистон Республикаси Худудига олиб кирилувчи товарларга қўшилган қиймат солиғи	бошқа тўловлар				
минг АҚШ долларларида			млн сўм																			
<b>ЖАМИ</b>																						
<i>шу жумладан:</i> <i>(вазирлик ва идоралар кесимида)</i>																						

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларига солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг ҳисобланиши ва тушумлари тўғрисидаги ҳисоботлар, тушумлар бўйича солиштириш далолатномаларни тузиш ҳамда тақдим қилиш тартиби тўғрисидаги низомга  
10-ИЛОВА

« \_\_\_\_ » \_\_\_\_\_ 20 \_\_\_\_ й. ҳолатига \_\_\_\_\_ (вилояти, Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри) бўйича  
Давлат бюджетига бошқа мажбурий тўловларнинг тушуми тўғрисида «1-Т» шаклидаги  
ҲИСОБОТ

(минг сўмда)

Бюджет таснифига кўра даромад тури коди	23403-сонли ҳисоб-варақнинг ШХҲи	Манбалар номи	Ҳисобот йили бошидан				Ҳисобот чораги бошидан				Ҳисобот ойда ҳақиқий тушум
			прогноз	ҳақиқий тушум	фарқи (+, -)	бажарилиши, %	ҳисобот чораги прогнози	ҳақиқий тушум	фарқи (+, -)	бажарилиши, %	
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12
		5-иловада келтирилган даромад турлари кесимида (ҳисоблаш алгоритми билан бирга)									

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларига солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг ҳисобланиши ва тушумлари тўғрисидаги ҳисоботлар, тушумлар бўйича солиштириш далолатномаларни тузиш ҳамда тақдим қилиш тартиби тўғрисидаги низомга  
11-ИЛОВА

« \_\_\_\_ » \_\_\_\_\_ 20\_\_ й. ҳолатига \_\_\_\_\_ — сонли\* ҳисобварағи бўйича  
Давлат бюджети даромадларининг тушумлари тўғрисида  
**ҲИСОБОТ**

(минг сўм)

Марказий банкнинг ҳудудий бош бошқармалари	Бюджет таснифи бўйича			ШҲР	Йил бошига қолдиқ	Жами тушум	шундан, ягона газна ҳисобварағига ўтказилгани	Қайтарилган маблағлар	Қолдиқ
	бўлим	параграф	даромад тури						
Республикаси бўйича, жами									
				...					
Қорақалпоғистон Республикаси бўйича				...					
				...					
Андижон вилояти бўйича				...					
				...					
...				...					
				...					
Тошкент шаҳри бўйича				...					
				...					

\* 23402, 23403-сонли ҳисобварақлари бўйича алоҳида.

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларига солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг ҳисобланиши ва тушумлари тўғрисидаги ҳисоботлар, тушумлар бўйича солиштириш далолатномаларни тузиш ҳамда тақдим қилиш тартиби тўғрисидаги низомга  
12-ИЛОВА

121-модда

« \_\_\_\_ » \_\_\_\_\_ 20\_\_ й. ҳолатига \_\_\_\_\_ — сонли\* ҳисобварағи бўйича  
Давлат бюджети даромадларининг тушумлари тўғрисида  
**ҲИСОБОТ**

(минг сўм)

Марказий банкнинг ҳудудий бош бошқармалари	Бюджет таснифи бўйича			ШҲР	Йил бошига қолдиқ	Жами тушум	Шундан, мақсадли маблағларни жамлаш учун белгиланган ҳисоб рақамларга ўтказилгани	Қайтарилган маблағлар	Қолдиқ
	бўлим	параграф	даромад тури						
Республикаси бўйича, жами									
				...					
Қорақалпоғистон Республикаси бўйича				...					
				...					
Андижон вилояти бўйича				...					
				...					
...				...					
				...					
Тошкент шаҳри бўйича				...					
				...					

\* 23204, 23224-сонли ҳисобварақлари бўйича алоҳида.

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларига солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг ҳисобланиши ва тушумлари тўғрисидаги ҳисоботлар, тушумлар бўйича солиштириш далолатномаларни тузиш ҳамда тақдим қилиш тартиби тўғрисидаги низомга  
13-ИЛОВА

« \_\_\_\_ » \_\_\_\_\_ 20 \_\_\_\_ й. ҳолатига 23407 — «Ягона солиқ тўлови бўйича Республика бюджетининг даромадлари» баланс ҳисобварағи бўйича Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетлари даромадларининг тушумлари тўғрисида  
**ҲИСОБОТ**

(минг сўм)

Марказий банкнинг ҳудудий бош бошқармалари	23407-сонли ҳисобварақ ШХҒи	Йил бошига қолдиқ	Жами тушум	Шундан:								23407-сонли ҳисобварақдан қайтарилган нотўғри ёки ортиқча маблағлар суммаси	23407-сонли ҳисобварақ қолдиғи
				давлат бюджетига ўтказилган		пенсия жамғармасига ўтказилган		республика йўл жамғармасига ўтказилган		Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Умумтаълим мактаблари, касб-хунар коллежлари, академик лицейлар ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, муқаммал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармасига ўтказилган			
				23402-сонли ҳисобварақ ШХҒи	суммаси	20205-сонли ҳисобварақ ШХҒи	суммаси	20207-сонли ҳисобварақ ШХҒи	суммаси	20205-сонли ҳисобварақ ШХҒи	суммаси		
Республикаси бўйича, жами													
...													
Қорақалпоғистон Республикаси бўйича													
...													
Андижон вилояти бўйича													
...													
...													
Тошкент шаҳри бўйича													
...													

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларига солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг ҳисобланиши ва тушумлари тўғрисидаги ҳисоботлар, тушумлар бўйича солиштириш далолатномаларни тузиш ҳамда тақдим қилиш тартиби тўғрисидаги низомга  
14-ИЛОВА

121-Модда

« \_\_\_\_ » \_\_\_\_\_ 20\_\_ й. ҳолатига 23411 — «Давлат божлари, йиғимлар ва солиқ бўлмаган тўловлар, маъмурий ва молиявий санкцияларни тўлаш бўйича маблағлар» баланс ҳисобварағи бўйича Давлат бюджети даромадларининг тушумлари тўғрисида  
**ҲИСОБОТ**

(минг сўм)

Марказий банкнинг ҳудудий бош бошқармалари	23411-сонли ҳисобварақ ШХРи	Йил бошига қолдиқ	Жами тушум	Шундан:					
				давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалар бюджетига ўтказилган			вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг тегишли ҳисобварағига ажратма қилинган маблағ	23411-сонли ҳисобварақдан қайтарилган нотўғри ёки ортиқча маблағлар суммаси	23411-сонли ҳисобварақ қолдиғи
				ҳисобварағи *	ШХР	суммаси			
Республикаси бўйича, жами									
	..								
Қорақалпоғистон Республикаси бўйича	..								
	..								
Андижон вилояти бўйича	..								
	..								
...	..								
	..								
Тошкент шаҳри бўйича	..								
	..								

\* 20205, 20207, 23402, 23403, 23407-сонли ҳисобварақлар.



Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларига солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг ҳисобланиши ва тушумлари тўғрисидаги ҳисоботлар, тушумлар бўйича солиштириш далолатномаларни тузиш ҳамда тақдим қилиш тартиби тўғрисидаги низомга 15-ИЛОВА

« \_\_\_\_ » \_\_\_\_\_ 20 \_\_\_\_ й. ҳолатига 20205 — «Бюджетдан ташқари фондларнинг талаб қилиб олингунча сақланадиган депозитлари»  
 баланс ҳисобварағи бўйича Пенсия жамғармаси даромадларининг тушумлари тўғрисида  
**ҲИСОБОТ**

(минг сўм)

Марказий банкнинг ҳудудий бош бошқармалари	Бюджет тас- нифи бўйича			20205-сонли ҳисобварақнинг ШҲРига	Йил бошига қолдиқ	Жами тушум	Ягона ғазна ҳисоб- варағига ўтка- зилган маблаг	20205-сонли ҳисоб- варақнинг 839 ШҲРига ўтказилган ажратма	Шундан:					
	бўлим	параграф	даромад тури						20205-сонли ҳисоб- варақнинг 780-сонли ШҲРига ўтказилган	20205-сонли ҳисоб- варақнинг 779-сонли ШҲРига ўтказилган	20205-сонли ҳисоб- варақнинг 881-сонли ШҲРига ўтказилган	20205- сонли ҳисоб- варақдан қайтарил- ган нотўг- ри ёки ортиқча маблаглар суммаси	20205- сонли ҳисоб- варақ қолдиғи	
Республикаси бўйича, жами														
				::										
Қорақалпоғистон Республикаси бўйича				::										
				::										
Андижон вилояти бўйича				::										
				::										
...				::										
				::										
Тошкент шаҳри бўйича				::										
				::										

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларига солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг ҳисобланиши ва тушумлари тўғрисидаги ҳисоботлар, тушумлар бўйича солиштириш далолатномаларни тузиш ҳамда тақдим қилиш тартиби тўғрисидаги низомга  
16-ИЛОВА

« \_\_\_\_ » \_\_\_\_\_ 20\_\_ й. ҳолатига 20207 — «Республика йўл жамғармасининг талаб қилиб олинганча сақланадиган депозитлари»  
баланс ҳисобварағи бўйича Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Республика йўл жамғармаси  
даромадларининг тушумлари тўғрисида  
**ҲИСОБОТ**

(минг сўм)

Марказий банкнинг ҳудудий бош бошқармалари	Бюджет таснифи бўйича			20207-сонли ҳисобварақнинг ШХҲри	Йил бошига қолдиқ	Жами тушум	Шундан:		
	бўлим	параграф	даромад тури				ягона газна ҳисобварағига ўтказилгани	20207-сонли ҳисобварақдан қайтарилган нотўғри ёки ортиқча маблағлар суммаси	20207-сонли ҳисобварақ қолдиги
Республикаси бўйича, жами									
				...					
Қорақалпоғистон Республикаси бўйича									
				...					
Андижон вилояти бўйича									
				...					
...				...					
Тошкент шаҳри бўйича									
				...					
				...					

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларига солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг ҳисобланиши ва тушумлари тўғрисидаги ҳисоботлар, тушумлар бўйича солиштириш далолатномаларни тузиш ҳамда тақдим қилиш тартиби тўғрисидаги низомга 17-ИЛОВА

«\_\_\_» \_\_\_\_\_ 20\_\_ й. ҳолатига 2025 — «Бюджетдан ташқари фондларнинг талаб қилиб олингунча сақланадиган депозитлари» баланс ҳисобварағи бўйича Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Умумтаълим мактаблари, касб-ҳунар коллежлари, академик лицейлар ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармаси даромадларининг тушумлари тўғрисида  
**ҲИСОБОТ**

(минг сўм)

Марказий банкнинг ҳудудий бош бошқармалари	Бюджет таснифи бўйича			2025-сонли ҳисобварақнинг ШХҲри	Йил бошига қолдиқ	Жами тушум	Шундан:		
	бўлим	параграф	даромад тури				ягона ғазна ҳисобварағига ўтказилгани	2025-сонли ҳисобварақдан қайтарилган нотўғри ёки ортиқча маблағлар суммаси	2025-сонли ҳисобварақ қолдиғи
Республикаси бўйича, жами									
				...					
Қорақалпоғистон Республикаси бўйича				...					
				...					
Андижон вилояти бўйича				...					
				...					
...				...					
				...					
Тошкент шаҳри бўйича				...					
				...					



Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларига солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг ҳисобланиши ва тушумлари тўғрисидаги ҳисоботлар, тушумлар бўйича солиштириш далолатномаларни тузиш ҳамда тақдим қилиш тартиби тўғрисидаги низомга  
19-ИЛОВА

« \_\_\_\_ » \_\_\_\_\_ 20\_\_ й. ҳолатига \_\_\_\_\_-сонли\* ҳисобварағидан Ягона газна ҳисобварағига ажратма қилинган маблағлар бўйича  
**ҲИСОБОТ**

Шартли ҳисоб рақам тартиб рақами	Бўлим	Параграф	Даромад тури	Қорақалпоғистон Республикаси	Андижон вилояти	Бухоро вилояти	Жиззах вилояти	Қашқадарё вилояти	Навоий вилояти	Наманган вилояти	Самарқанд вилояти	Сирдарё вилояти	Сурхондарё вилояти	Тошкент шаҳри	Тошкент вилояти	Фарғона вилояти	Хоразм вилояти	Жами
Ҳисобот бўйича жами																		

\* Ушбу ҳисобот қуйидаги ҳисобварақлар бўйича тузилади:

«23402 — Давлат бюджети даромадлари»

«23403 — Давлат божхона тўловлари»

«20205 — Умумтаълим мактаблари, касб-ҳунар коллежлари, академик лицейлар ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармаси»

«20207 — Республика Йўл жамғармаси»

«20205 — Пенсия жамғармаси»

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларига солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг ҳисобланиши ва тушумлари тўғрисидаги ҳисоботлар, тушумлар бўйича солиштириш далолатномаларни тузиш ҳамда тақдим қилиш тартиби тўғрисидаги низомга  
20-ИЛОВА

« \_\_\_\_ » \_\_\_\_\_ 20 \_\_\_\_ й. ҳолатига \_\_\_\_\_-сонли\* ҳисобварағига келиб тушган тушум бўйича  
**ҲИСОБОТ**

Шартли ҳисоб рақам тартиб рақами	Бўлим	Параграф	Даромад тури	Қорақалпоғистон Республикаси	Андижон вилояти	Бухоро вилояти	Жиззах вилояти	Қашқадарё вилояти	Навоий вилояти	Наманган вилояти	Самарқанд вилояти	Сирдарё вилояти	Сурхондарё вилояти	Тошкент шаҳри	Тошкент вилояти	Фарғона вилояти	Хоразм вилояти	Жами
<b>Ҳисобот бўйича жами</b>																		

\* Ушбу ҳисобот қуйидаги ҳисобварақлар бўйича тузилади:

«23402 — Давлат бюджети даромадлари»

«23403 — Давлат божхона тўловлари»

«20205 — Умумтаълим мактаблари, касб-хунар коллежлари, академик лицейлар ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармаси»

«20207 — Республика Йўл жамғармаси»

«20205 — Пенсия жамғармаси»

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларига солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг ҳисобланиши ва тушумлари тўғрисидаги ҳисоботлар, тушумлар бўйича солиштириш далолатномаларни тузиш ҳамда тақдим қилиш тартиби тўғрисидаги низомга  
21-ИЛОВА

« \_\_\_\_ » \_\_\_\_\_ 20\_\_ й. ҳолатига \_\_\_\_\_ — сонли\* ҳисобварақ қолдиғи\*\* бўйича  
**ҲИСОБОТ**

